



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (11.685)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, керакли ва зарур маҳсулот турларини харидор талаби асосида тайёрлаш, маҳаллий ҳом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулот таннархини камайтириш буюртмалар кўпайишида, шунинг баробарида корхоналар ривожида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчilar томонидан тайёрланган, сифати бўйича импорт товарларидан юкори, нархи истеъмолчини қаоналтириадиган маҳсулотлар билан тўлдириш

борасидаги сайди-харакатлар ўз самарасини бермоқда.

Бу борада бозор талабаридан келиб чиқсан ҳолда янги лойиҳаларни изчил татбиқ этиб, харидорига маҳсулотларни ишлаб чиқараётган

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚИРГИЗИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ ҚИРГИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қиргизистондаги воқеалар юзасидан шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятiga сафари чоғида берган баёниоти сиёсий, эксперт-таҳлилчи ва дипломатия доираларида, ҳусусан, Қиргизистон оммавий аҳборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.

Баёнот матни Қиргизистоннинг Муваққat ҳукумати матбуот хизмати томонидан ҳамда мамлакатнинг барча асосий аҳборот агентликлари ва оммавий аҳборот воситалари, жумладан, Қиргизистоннинг "Кабар" милий аҳборот агентлиги, «24.kg», «Tazar.kg», «Barakelede.org», «For.kg» каби аҳборот агентликлари, "Қиргизистон сўзи", "Бишкек оқшоми", "ЭркинТоо", "Ижтимоий рейтинг" газеталари, "Бельгий Парус", "ВБРС" каби интернет порталларида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мөхиянтирилган Қиргизистоннинг телевидениеси янгиликлар каналларида ("КТР", "5-канал", "ЭлТР") қирғиз ва рус тилларида мунтазам эфирга узатилиб туриди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёниоти Қиргизистоннинг кенг жамоатчилиги орасида катта қызықиш ўйғотди.

Ҳусусан, мамлакатнинг Муваққat ҳукумати демони аҳборот-мувофиқлаштириш маркази мудири, аҳборот сиёсати масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи Ф.Ниёзов ўз мулоҳазаларида жумладан кўйидагиларни қайд этди: "Муваққat ҳукуматнинг барча аъзолари, маҳаллий ҳукумат органлari раҳбарлари мамлакат учун ўта мурakkab бўлган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон томонидан Қиргизистонга кўрсатилган ёрдамни жуда юқсан баҳолаяти.

(Давоми 2-бетда).

✓ **ФАФУР ҒУЛОМ** номидаги маданиятни истироҳат боғида Чilonzor туман ҳокимлиги, ҳалқ таълими ва «Камолот» ЁИХ бўлимлари ҳамкорлидаги ҳукумий мухофаза қўйувчи идоралар вакиллари иштирокида «Ёшлар — гиёвандликка қарши» тадбири ўшиширилди.

✓ **ОЛИЙ** ўкув юртларида, жумладан, Ўзбекистон Милий университетида талабаликни ихтиёр этган абитуриентлардан ҳужжатлар қабул килиш жараёни бошланди.

✓ **КУНИ** кечга Берлин шахрида ўтказилган ёш пианино-чилар кўрик-тандовида Глиэр номидаги ихтисослашган музика академик лицеи ўкувчи-си Тоҳир Асқаров голиблини киритди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар давлат муассасалари касаба уюшмалари қенгашининг беш йиллик фаолияти сарҳисобига бағишиланган ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтади.

XXI садоси

acp

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий вилояти ҳокимлигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган «Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва ролига мавзууда давра сұхбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги «Ўсмир ва қонун» мавзууда конференция ўтказилди. Анжуманда юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини саклаш, маънавиятини юксалтиришга давлат миқёсида ётибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

• Тошкент ислом университетида 2009-2010 ўкув йилида бакалавриат ва магистратура босқичларини тугаллаган ёшларнинг «Битирувчи — 2010» тадбири бўлиб ўтди. Унда исломшунос олимлар, маънавият тарбиботчилари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди.

• Тошкентда «Оммавий аҳборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш — кучли фуқаролик жамияти изчил шаклланишининг муҳим омили» мавзууда давра сұхбати бўлиб ўтди.

• Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, ёшларни оиласви ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириши масалаларига бағишиланган семинар бўлиб ўтди. «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда барча шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди.

• «Бухоро» ҳалқаро аэропорти «МДХ мамлакатларининг энг яхши аэропорти» ҳалқаро танловининг «Истиқболи равишда ривожлананаётган аэропорт» номинацияси бўйича ғолиб чиқди.

ЖАҲОНДА

• Канаданинг Торонто шаҳрида катта йигирматалик давлатлари саммити бўлиб ўтди. Унда давлатлар раҳбарлари молиявий иқтисодий инқорознинг олдини олиш максадида 2013 йилга бориб бюджет харажатларини 50 фуизгача кискартириши юзасидан келишиб олишиди. Таъкидлаш керакки, саммит давомида антиглобалистлар томонидан норозилик намойишлари ўшириб турдилди.

• Испанияда давлат раҳбари кирол Хуан Карлос I бошлилигидаги терроризм курбонлари куни кенг нишонланди.

• Кече Ливанда истиқомат қилувчи фаластинликлар томонидан фуқаролик ҳуқуқлари ва ёрнинликларига риоа этилишини сўраган ҳолда кўп минг кишилик норозилик намойишлари ўширилди.

• Халқаро энергетика агентлиги якин беш йил ичидаги жаҳонда нефтга бўлган талабнинг сезиларида даражада қисқаришини билдириди. Яъни, 2015 йилга бориб, «қора олтин»нинг йиллик истемол миқдори иккى фуизгача камайиши кутилмоқда. Бунга асосан Хитойда нефть маҳсулотларига эҳтиёжнинг пасайиши сабаб бўлади. Бундан ташкири, мукобил энергия манбаларини яратиши борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам самара бера бошлади.

• Санкт-Петербургдаги давлат эрмитажи музейида тамаки тарихидан ҳикоя килувчи ноёб тарихий экспонатлардан иборат кўргазма очилди.

ЁШЛАР УЧУН — ИШ ЎРИНЛАРИ

29-30 июнь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтга маҳсус ва олий ўкув юртлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислотлар хайдат ўз ифодасини топмоқда. Барча жаҳаларни қарраган бу ислотлар, албатта, биринчи нафаватда аҳоли фаронсонлиги оширишга, ёшларни молиявий аҳборот воситаларининг ўрни ва касб-хунарни қаршига қўйишига олинига ўтказилади.

Халқаро ҳуқуқларни сиёсий, иктиёмолий фаолиятини ошириш, маънавиятни юксалтириш, барча соҳаларда кечайттан ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ушундай ислотларни сайди-харакатларнинг бардавомлигиги таъминлашади мақсадида, шунингдек «Баркамол авлод йили» давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан юнусида Ҳунарнинг ўрни ва ғарбиянни юнусида Ҳунарнинг ўрни ва умумисонни қадирларнинг курши қилиши, мустакиллик фоълари руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларнинг кучли, билимли, тафаккури ва дунёкариши кенг бўлиб шаклланишига хизмат кулаётади.

Мазкур тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вояга етманлар ишлари бўйича комиссия томонидан шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Ярмаркада 208 корхона ва ташкилотнинг 25 мингдан зиёд бўш иш ўрни билан катнашиши кутилмоқда.

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг аҳборот хизмати ва ўз мухобилираримиз хабарларидан.

